

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ**

**“ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТИШДА
ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ”**

(Услубий тавсиянома)



ТОШКЕНТ-2013

Мазкур тавсиянома “Баркамол авлод” болалар марказлари услубчилари, тўғарак раҳбарлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларидаги тўғарак раҳбарлари фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Муаллифлар: **О.Наржигитов** –“Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи раҳбари.

Ё.Қаюмова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази ахборот ресурс маркази мутахассиси.

А.Исаева – “Тошкент Қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи” Рангтасвир фан ўқитувчиси.

Такризчилар: **Й.Акбаров** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директорнинг маънавий - маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

Р.Бобоқулов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи услубчиси.

Л.Тўхтаева – “Баркамол авлод” Республика техник ижодиёт маркази директорнинг маънавий - маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Ушбу тавсиянома Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналиши бўйича Илмий методик кенгашининг 2013 йил 19 сентябрдаги навбатдан ташиқари 7-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Давлат бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади”

И.Каримов

КИРИШ

Инсоннинг улуғлиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди, ягона ўлчов, унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир. Инсон шахсининг камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади. Шундай экан таълим-тарбия жараёни ҳам жуда мураккаб ва маъсулиятлидир.

“Баркамол авлод” болалар марказларидаги тўғараклар фаолиятини олиб бориш жараёнида тўғарак раҳбарлари ижодкор, изланувчан, янги педагогик технологиялардан хабардор бўлиши ва бу ҳақда ўқувчиларга энг илғор, тезкор хабарларни етказа олиши талаб этилади. Таълимга қизиқтириш, мустақил билим олиш иштиёқини шакллантириш, мустақил билим олишга ишонч ҳосил қилиш ва одатлантириш, ҳозирги куннинг ва келажакнинг талабидир. Тўғарак аъзолари мустақил билим олиш кўникмасига эга бўлса, мустақил ўқишга интилса, у ҳар томонлама ривожланади.

Президентимиз Ислам Каримов мамлакат равнақи кадрларнинг ҳаётга қайдаражада тайёр эканлиги билан узвий боғлиқлигини ўз нутқларида таъкидлаб, ҳозирги замон таълим ва тарбия жараёнларини тубдан ўзгартириш, собиқ авторитар педагогикадан воз кечиш ва ёшларни энг замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш ва тарбиялашга ўтиш вақти келганлигини, бунда барча “устоз-педагоглар” ўз фаолиятларида тубдан ўзгариш қилишлиги давр талаби эканлигига “Баркамол авлод орзуси” асарида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Педагогик технологиянинг асосий талаби — ўқувчиларнинг асосли ва пухта билим олиш, билимларни ўзлаштиришда фаоллик кўрсатиш, таълимда аниқ қафолатланган натижага эришишдир. Педагогик технология шу талабни рўёбга чиқаришга қаратилган таълим ва тарбия тизимидир.

Тўғарак машғулоти давомида ўқувчиларнинг ижодкорлигига кенг имконият яратиб бериш талаб этилади. Бу ўқувчиларда ташаббускорликни, мустақил ишлай олиш ва ижодкорлик қобилиятини ўстиришга ёрдам беради. Ҳар бир инсон ўз касбига фидойилик, масъулият билан ёндашар экан, унинг меҳнатлари муваффақиятларида бўй кўрсатиш шубҳасиздир. Ўқувчи тўғаракда ўз қизиқиши ва истагига кўра бирор-бир нарсани ўрганар экан, тўғарак раҳбари уни рағбатлантириб туриши ва тўғри кўрсатма бериб бориши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, болаликнинг шундай даври мавжудки, бу даврда олинган билим, кўникма ва малакалар “тошга ўйилгандек” бир умрга сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, тўғарак аъзолари билан тўғарак машғулотларини ўтказиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш машғулотнинг унумдорлигини ошириб боради.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИЛУВЧИ ТАЪЛИМНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Таълим жараёнининг доимий равишда қатъий белгиланган ва узоқ йиллар давомида амал қилиб келинаётган вақт давомида ташкил этилиши, мутахассислик фани бўйича мавзуларга ҳар ўқув йилида такроран мурожаат қилиниши, ўқувчилар таълимий фаоллигининг ҳамиша ҳам юқори даражада бўлавермаслиги каби ҳолатлар ҳатто ўқитувчининг ўзида ҳам машғулотга тайёрланишга нисбатан бефарқликни юзага келтириши мумкин.

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш ёки уни бартараф этишнинг ягона самарали йўли касбий фаолиятга нисбатан ижодий ёндашиш саналади. Ўқув жараёнига ижодий ёндашиш ўқитувчидан доимий равишда изланишни, ўз устида ишлашни талаб этади. Бунинг учун у энг аввало, ҳар бир машғулотни ўзига хос, алоҳида хусусиятларга эга ҳолда ташкил этиш эҳтиёжига эга бўлиши лозим.

Эҳтиёжнинг юзага келиши учун тўғарак раҳбари ўз-ўзига “Тўғарак машғулотини ўтишдан мақсадим нима?”, “Агар бунчалик зерикарли бўлса, нима учун тўғарак раҳбарликни касб сифатида танладим?”, “Наҳотки, то нафақага чиққунимга қадар тўғарак машғулотлар ташкил этишга, ўқувчиларнинг тақдирига нисбатан шундай бефарқ бўлсам?”, “Бундай ҳолга барҳам беришнинг иложи йўқми?”, “Ахир касбий фаолиятим ҳаётимнинг муҳим қисми-ку, унинг шундай мазмунсиз, маъносиз ўтишига йўл қўйишим керакми?”

каби саволларни бериши ва уларга жавоб топишга уриниши зарур. Саволларга жавоб топиш жараёнида эса ўзининг бу тарздаги хатти-ҳаракати нотўғри, ўзига ва тўғарак аъзоларига нисбатан адолатсизлик эканлигини тушуниб етади. Натижада, у ўз устида ишлаш, ижодий изланиш олиб боришга қарор қилади.

Таълим жараёнини ижодий ёндашув асосида ташкил этишда интерфаол таълим ва интерфаол методларнинг ўрни ва роли бекиёсдир. Зеро, улар ўз моҳиятига кўра, ўқувчиларни фаолликка ундаш, таълим жараёнида қизгин баҳс-мунозараларни юзага келтириш имкониятига эга.

Ижтимоий ва табиий жараёнлар муайян қонуниятга эга бўлганлиги, ҳар бир ижтимоий воқелик ва табиий ҳодисалар маълум тартиб асосида кечганидек, интерфаол таълим ва интерфаол методлардан фойдаланишда ҳам бир қатор қоидаларга амал қилиш уларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Қуйида интерфаол таълимни ташкил этиш ёки ихтиёрий шаклдаги таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишнинг асосий шартлари кўринишида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

1. Тўғарак машғулотида пухта тайёргарлик кўриш. Кўп ҳолатларда тўғарак раҳбарларининг аксарияти машғулотга тайёргарлик кўришга у қадар жиддий эътибор беришмайди. Бу педагогик жиҳатдан нотўғридир. Бинобарин, яхши тайёргарлик машғулотнинг тартибли, мазмунли ва қизиқарли кечишини таъминлабгина қолмай, берилаётган билимларнинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Тўғарак машғулотида тайёргарлик кўриш ўз мутахассислигини яхши билган тўғарак раҳбари учун қийин эмас. Бунда асосий эътибор машғулотнинг умумий лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда мақсадларни тўғри белгилашга қаратилиши зарур. Шунингдек, тўғарак раҳбари ўз олдида қуйидаги саволларни қўя олиши лозим:

- нима ҳақида гапиришим, нималарга эътибор беришим керак? (машғулотда мантиқий давомийликни таъминлаш);
- тўғарак аъзолари билан ишлашда нималарни инобатга олишим, машғулотни асосий мақсадга қандай йўналтиришим керак? (машғулотни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш);
- машғулотнинг самарали кечиши учун нималарни тайёрлашим, нимага алоҳида аҳамият беришим керак? (машғулотни ташкилий жиҳатдан тўғри уюштира билиш).

2. Тўғарак машғулотни ташкил этишни энг осон ҳал этиш мумкин бўлган вазифалардан бошлаш. Бунда роҳатланиб,

завқланиб бажариш мумкин бўлган вазифаларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу ҳолат шахсдаги фаолликни юзага келтириш, иштиёқсизликни бартараф этиш учун “рағбат” бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларни умумий эътиборини тортиш учун улар суҳбатлашишни ёқтирадиган мавзуга оид саволни ўртага ташлаш педагогик жиҳатдан тўғридир. Бу ўринда, масалан, “Ўзбек адибларининг қандай янги асарларини биласиз?”, “Кинотеатрларда қандай янги фильм намоёиш этилмоқда”, “Хит-парадлар ўнлигида ким етакчилик қиляпти?”, “Шаҳримизда сиз билган қандай спорт бинолари мавжуд?”, ва ҳоказо саволлар билан мурожаат қилиб, уларнинг асосли фикрларни тинглаш мумкин.

Тўғарак аъзоларига дастлабки дақиқалардаёқ саволлар билан мурожаат қилишдан мақсад уларнинг диққатини умумий мақсадга йўналтириш, шунингдек, улар томонидан “тўғарак машғулотида ўз ўринларини англаб олишларига” имкон яратишдир. Бу ўринда машғулотни аниқ вақтда бошлашга эътиборни қаратиш лозим. Ҳар гал тўғарак машғулотини аниқ вақтда бошланиши тўғарак аъзоларининг муайян тартибга кўникишларига ёрдам беради.

3. Мақсадни аниқ белгилаб олиш. Ўқувчилар билан уларни қизиқтирган мавзуда “кичик суҳбат” ташкил этилганидан сўнг машғулотнинг умумий ҳолати қисқача шарҳланади. Яъни, тўғарак аъзолари иш режа лойиҳаси билан таништирилади ва кўзда тутилувчи мақсад ифода этилади. Мақсаднинг барча учун тушунарли бўлиши муҳимдир. Асосий мақсад машғулотнинг ҳар бир босқичида ўз ифодасига эга бўлиши лозим.

4. Мавзудан четга чиқмаслик. Машғулотнинг ҳар бир босқичида аниқ вазифаларнинг бажарилишига эътибор қаратиш муҳим саналади. Таълим жараёнида тўғарак раҳбари мавзудан четга чиқиб кетилишига йўл қўймаслик керак. Ўқувчилар берилган топшириқлар устида ишлашлари, жавобларни ифодалашда ҳам аниқ жавоб беришга ўрганиб борилиши керак. Шундагина мақсадга эришилади, ҳам машғулотнинг самарадорлиги ортади.

Шунингдек, ўқув топшириқларини бажариш учун аниқ вақт белгиланиши, ҳатто жавоб беришда ҳам муайян вақтга амал қилиниши ўқувчиларда вақтни “ҳис қилиш”, у билан “ҳисоблашиш” кўникмаларини тарбиялайди.

5. Машғулотда ўқувчиларнинг алоҳида фаоллик кўрсатишларига имкон бериш. Турли босқичларда зарурият туғилганда ўқувчиларнинг фаолиятларини йўналтириб бориш, маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш самарали педагог учун чора

ҳисоблансада, бироқ бу ҳолатлар марказида фақат ўқитувчи бўлиб қолишига олиб келмаслиги керак. Бунда асосий эътибор кимнинг нима билан бандлигини назорат қилишга қаратилиши мумкин.

Тўғарак машғулотида топшириқни бажаришдан “чекинган” ўқувчиларни уларга танбеҳ бермаган ҳолда “Қани Сардор нималарни уддалай олди экан?” ёки “Мени назаримда, Раъно топшириқни биринчи бўлиб бажарган кўринади” мазмунидаги мурожаатлар билан уларнинг диққатларини асосий вазифага тортиш муҳим.

6. Тўғарак машғулотида самарали яқунлаш. Ўқувчилар машғулотда ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай олишларига қатъий ишонч билан яқунлашлари керак. Машғулот якунида ўқитувчи ўқувчиларнинг фаол иштирокларини қайд этишга эътиборни қаратиши, “Ўйлайманки, бугунги ўрганган билимларингиз ҳаётингизда қўл келади!” мазмунида тилак билдириши уларда кўтаринки кайфиятни юзага келтиради.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДАГИ ТЎГАРАК РАЎБАРИНИНГ ПРОФЕССИОГРАММАСИ

Бўлажак тўғарак раъбарининг касбга хос хусусиятларини шакллантириш учун уларнинг педагогик –психологик қиёфаси, яъни миллий профессиограммасини яратиш зарур. Тўғарак раъбари Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихор туйғусига эга бўлиши; тўғарак аъзоларини янги педагогик технологияларда тарбия қила олиши; нутқи равон, тили бой бўлиши зарур.

Тўғарак раъбарлари учун зарур бўлган малакалар.

Амалий-конструктив малакалар. 1. Тарбиявий ишларни режалаштира билиш. 2. Ўқувчи шахсини жамоа шароитида тарбияланишининг индивидуал режасини амалга ошира билиш. 3. Ҳар хил ролли ўйинлар орқали ўқувчилар тарбиясини муваффақиятли амалга ошириш.

Ташкилотчилик малакалари. 1. Тўғарак машғулотида фаол тўғарак аъзоларини аниқлай билиш ва уларни ҳар қандай шароитда ҳам бошқара билиш. 2. Жамоатчилик ва ота-оналар ўртасидаги ишларни ташкил эта билиш. 3. Марказдаги тадбирларга амалий ёрдам бера билиш. 4. Ўқувчилар фикрини тушуниш ва ўз фикрини эса нутқ, тил воситалари орқали тушунтира билиш. 5. Ўқувчилар билан яқиндан

муносабатда бўлиш ва уларда ўзига нисбатан меҳр-ишонч, ҳурмат каби хислатларни уйғота билиш.

Амалий малакалар. 1. Расм солиш. 2. Ашула айтиш. 3. Спорт билан шуғулланиш. 4. Саёҳат қилдириш. 5. Ўйинлар ташкил қилиш. 6. Пазандачилик. 7. Тикувчилик.

Касбий сифатлар. 1. Билимдонлик. 2. Касбга эътиқодлилик. 3. Фуқаролик бурчини англаш (масъулиятни англаш). 4. Адолатлилик. 5. Талабчанлик. 6. Ўзини тута билиш. 7. Педагогик назокат. 8. Вазминлик, сабр-тоқатлик. 9. Зийраклик. 10. Амалий психологик ақл. 11. Нутқ маданияти. 12. Аниқ ифодали ўқиш. 13. Ижодий ҳаёл-келажакни кўра олиш ёки педагогик тасаввур. 14. Таъсир эта олиш. 15. Касбий лаёқатлилик.

Шахсий сифатлар. 1. Болаларни севиш. 2. Меҳнатсеварлик. 3. Ижтимоий хайрат. 4. Кузатувчанлик. 5. Меҳрибонлик. 6. Камтарлик. 7. Қувноқлик. 8. Қатъийлик. 9. Дадиллик. 10. Интилувчанлик. 11. Диққат-эътиборлилик.

Қобилиятлар. 1. Дидактик қобилият. 2. Нутқ қобилият. 3. Ташкилотчилик қобилият. 4. Авторетар қобилият. 5. Педагогик ҳаёл. 6. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти. 7. Умуминсоний ва миллий қадриятларни билиш ва тарғиб қила олиш қобилияти.

Ушбу педагогик-психологик қиёфа педагогларни тўғарак машғулот давомида билим қобилиятларини ташҳис қилишда катта ёрдам беради.

ТЎГАРАК РАҲБАРИ ҚАНДАЙ КЎРИНИШГА ЭГА БЎЛИШИ ВА ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ТУТИШИ КЕРАК?

Ташқи қиёфа. Айтаётган сўзларингизга ташқи қиёфангизнинг таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак. “**Кийимингизга қараб кутиб олиб, ақлингизга қараб кузатишади**” деган нақлни эсланг. Умумий таассурот, яъни тингловчилар хотирасида сақланиб қоладиган таассурот дастлабки 5 дақиқа ичида шаклланишини ҳисобга олсак, ташқи қиёфанинг нақадар муҳимлиги тушуниш мумкин. Авваламбор ташқи қиёфангиз атрофдагиларни ҳайратга солмаслиги ва машғулотдан чалғитмаслиги керак. Сиз ўқувчиларга қанчалик яқин бўлсангиз, бир-бирингизни шунчалик тез тушунасиз.

Имо ишора. Ўзингизни табиий тутинг. Муҳими, юз ишорангиз айтилган сўзларга мос келсин. Гапираётганда, вазият қанчалик жиддий бўлмасин ҳўмрайманг. Тингловчи буни нотўғри тушуниши ва ўзини бунга айбдор деб ҳисоблаши мумкин.

Умуман эса ишга боришдан олдин ойна олдида қандай нутқ қилишингизни машқ қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Сўзлаш қобилияти. Сўзлаш қобилиятини қандай яхшилаш мумкин?

- Ўртача маромда, аниқ ва етарлича баланд гапиринг. Сиздан анча узоқда ўтирган ўқувчилар ҳам сизни эшитсин.

- Оддий тилда гапиринг, чунки ўқувчиларнинг билим даражаси турлича бўлиши мумкин.

- Барча тушунарсиз томонларни ва англашилмовчиларни тушунтириб беришга ҳаракат қилинг, умумэътироф этилган иборалардан фойдаланинг ва маҳаллий миқёсдаги мисолларга мурожаат қилинг.

- Мисоллар, кўргазмали воситалар ва ҳоказолардан фойдаланиб, ахборотни такрорланг. Айтилганларни такрорлаш ўқувчиларга уни тушуниш ва хотирада тутиб қолишга ёрдам беради.

- Фикрингизни имкон қадар тезроқ ифодалашга интилинг. Монологлар ва бир хил вазнда сўзлашдан йироқ бўлинг.

- Ҳазил-мутуйибалардан фойдаланинг. Ўқувчиларни кўриш доирасида ушлаб туринг.

- Ўз ҳаётингиздан ҳаддат ташқари кўп мисоллар келтирманг.

- Сизнинг нутқли ва нутқсиз хабарларингиз бир-бирига зид бўлмаслиги керак.

- Сизнинг хабарингизга ўқувчиларнинг жавоб беришига эришинг бу уларнинг таъсирланиши ва алоқанинг самарали эканини текшириш учун хизмат қилади.

- Бировларнинг ҳатти-ҳаракатларини таърифлашда уларга баҳо бериш ёки изоҳлашга уринманг.

- Имкон қадар баҳоли фикрлардан йироқ бўлинг. Сизнинг фикрингизга бошқалар қўшилмаслиги мумкин ва оқибатда Сиз берган хабарингиз мақсадга эришмайди.

Гавда ҳолати. Гавданинг кундалик ҳаётдаги ҳолатлари кўпинча тўғарак раҳбари учун тўғри келмайди. Орқага олинган қўллар мунофиқликдан ва самимийликдан далолат берса, кўкракда қўлни чалиштириш ичимдагини топ, деган маънони англатади.

Машғулот учун мос келадиган ҳолат қуйидагича бўлиши керак:

Оёқлар бир-биридан 30-40 см масофа узоқликда, тана бир мунча таранг, елка тўғри ҳолатда. Қўллар гавдага нисбатан эркин. Бош гавда билан бир текисликда. Бундай ҳолатдан бошқасига ўтиш осон. Чунки у сизнинг ҳатти-ҳаракатларингизни чегараламайди.

Нигоҳ. Тўғарак аъзолари билан кўриш алоқасини тўғри ўрнатишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Моҳир тўғарак раҳбари бирорта ўқувчини ўз назаридан четда қолдирмайди. Сиз агар деразага, полга ёки қўлларингизга қарайверсангиз, ўқувчилар диққатини йўқотиб қўйишингиз мумкин. Муайян ўқувчига қаратилган нигоҳ сиз шу одамга мурожаат қилаётганингизни билдиради. Шундан келиб чиқиб, ўқувчилар кенг жойни эгаллаб ўтирган бўлса, сиз улардан узоқлашасиз. Ҳар бир ўқувчининг кўзига доим қараб туриш – осон иш эмас. Ҳеч кимни ўз диққатингиздан четда қолдирмаслик учун нигоҳингизни тўғарак хонасининг бир қисмидан бошқасига секин ўтказишингиз кифоя.

Бир ўқувчига узоқ қараб турманг: кўпчилик ўқувчилар бундан ҳижолат чекадилар.

УСЛУБИЙ НАЗОРАТ

Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларга билим бериш ва тарбиялашда янги-янги технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Уларни шартли равишда анъанавий ноанъанавий инновацион (янгича) усулларга бўлиш мумкин.

Анъанавий усуллар: Семинар-тренинглар конференциялар баҳс-мунозаралар, савол-жавоб кечалари ва адабий кечалар.

Ноанъанавий усуллар: Интерфаол гуруҳларда ишлаш (катта ва кичик гуруҳларда) сахна кўринишлари, турли тарқатма материаллардан фойдаланиш, красвордлар ечиш каби.

Инновацион (янгича) усуллари: Модификациялашган таълим ва ақлий ҳужум, муаммони баён этиш, муайян ҳолат ва вазиятни ўрганиш, таҳлил этиш.

“Баркамол авлод” болалар марказларида фаол метод ва таълим технологияларини қўллаш яхши самара беради. Унга кўра, ҳар бир тўғарак аъзоларидан намунали ўқувчилар танлаб олинади ва улар фаол ўқувчи сифатида иштирок этадилар.

“Модификациялашган” таълим ўқувчилар билан мулоқот марказида олиб борилади. Бу усул ёрдамида ўқувчилар ўз устида мустақил, ижодий ишлайдилар, машғулот жараёнида фаол иштирок этадилар, янги мавзунини тўғарак раҳбари билан биргаликда таҳлил қиладилар.

“Импровизация”-тайёргарликсиз баён этиш усули бўлиб, тўғарак раҳбари ўқувчиларга савол ёки топшириқ беради ва дарҳол унинг жавоби тайёргарликсиз тушунтириб беришларини сўрайди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар ўз шахсий фикрларига,

дунёқарашига эга бўладилар, оғзаки нутқи ривожланади, савол топшириқларни хотирасида тез таҳлил қила олишга ўрганадилар.

“Ақлий хужум” усулида тўғарак раҳбари ўқувчиларга савол ёки топшириқ беради, улар эса бирин-кетин, кетма-кет фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Янги мавзунини бошламасдан аввал бу усул қўлланма, ўқувчиларнинг янги мавзуга тайёргарлиги, диққати фаол жалб қилинади. Фикрларини эркин баён қила оладилар.

“Муаммоли вазият”, тўғарак раҳбари ҳаётий воқеа, ҳодисалардаги муаммоли ҳодисалардан мисоллар келтиради. Бундай вазият юзасидан талаблар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, муаммони атрофлича ҳал қиладилар. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар муаммо устида бош қотирадилар, фикр билдирадилар, ҳаётдан ижобий сабоқ оладилар.

“Муайян ҳолат ва вазиятни ўрганиб, таҳлил қилиш” ҳаётий воқеа, ҳодиса, вазиятлар юзасидан мисол келтирадилар. Ўқувчилар ўз фикрини билдириб, таҳлил қиладилар, тўғарак раҳбари эса хулосалаб, умумлаштирадилар. Бунда ўқувчилар ҳаётий воқеа, ҳолатларга ўз муносабатларини билдирадилар, мустақил ижодий ёндошган ҳолда таҳлил қиладилар.

Ушбу усулларни қўллашда тўғарак раҳбарлари бир қатор талабларга риоя этишлари лозим бўлади.

Бу усуллар ҳақида маълумотга эга бўлиш, мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етиш.

Усулларни йўналиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўллаш-ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари яъни билими, қизиқиши, индивидуал ёндошишлари ҳисобга олинади, ўқувчиларни ўз устида мустақил, ижодий ишлаши, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қила олишларига имкон яратилади.

Ушбу усуллардан тўғарак раҳбарлари ўз билими, имкониятлари доирасида янада самаралироқ фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда ўз-ўзидан тўғарак раҳбарлари ўз устида изланиши ва ижод қилиши масаласи юзага келади. Чунки, тўғарак раҳбарининг билим доираси кенг замонавий фан-техника янгиликларидан хабардор бўлса, ўқувчи-ёшларга мукаммал билим бера олади. Шу сабабли мактабдан ташқари таълим муассасасининг ҳар бир ходими мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган сиёсий, маданий, фан, таълим-тарбия ва бошқа соҳалардаги янгиликлар, ислохотлардан тўла-тўқис хабардор бўлиши юртимизда қабул қилинаётган қонунлар, фармонларни яхши билиши, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаши шарт.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: **“Биз нафақат сиёсий жабҳани, балки иқтисодий ҳам ижтимоий ҳаётни ҳам маънавий-ахлоқий соҳани ҳам ислоҳ қилишимиз зарур. Бу ғоят кенг кўламдаги ислохотлар бўлиб, биз уларни комплекс тарзида ҳал қилиш орқалигина ўз мақсадларимизга эриша оламиз”**. Ушбу сўзлар нафақат педагог-ҳодимлар, балки ёш авлод тарбиясига масъул бўлган ҳар бир шахс учун тааллуқлидир.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДА МАЪНАВИЯТ ТАРБИЯСИ

Маънавият инсон учун жуда зарур неъматдир. Ундан баҳра олмаган бола камолотга эришмайди. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз фарзандларининг маънавий тарбиясига алоҳида аҳамият берганлар.

Юрак даражадаги маънавият фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанини қадрлаш, аجدодларидан фахрланиш каби фазилатлар билан бевосита боғлиқдир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, маънавият-инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий камолоти ва дунёқарашини ифода этувчи тушунча дейиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон шахси шаклланишида таълим ва тарбиянинг ўрни катта аҳамиятга эга бўлади. Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг ривожлантирувчи тамойилларига асосланган бўлиб, у ўқувчи шахсига йўналтирмоғи керак.

Интерфаол усуллар асосида ташкил этилган, яъни ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш малакалари ошади, ҳар бир тўғарақ аъзоси ўзи, тўғараги учун жавоб беришга ҳаракат қилади, ўзаро ишонч пайдо бўлади, бирдамлилик ва ҳамжиҳатлилик кучини, машғулоти учун масъулиятни ҳис қилади ва бунинг натижасида ўзаро дўстона муносабат шаклланиб боради.

Маънавият тарбиясида ташқи таъсирнинг аҳамияти муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

- бола сабр-тоқатли бўлади, агар сабр-тоқатли инсонларни учратган бўлса;
- бола қатъиятли бўлади, агар уни қўллаб-қувватлаб турилса;
- болада ишонч шаклланади, агар ҳеч нарса ёки ҳеч кимдан қўрқмаса;
- бола адолатпарвар бўлади, агар ҳаққоний ўйинда иштирок этган бўлса;

- бола меҳр-мурувватли бўлади, агар дўстликни ҳис қилган бўлса;

- бола севишни ўрганади, агар атрофдагиларнинг муҳаббати ва қайғуришини кўрган бўлса.

Бола ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай ўзгариш унга турлича таъсир кўрсатиши ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун кимнидир уришиш, муҳокама қилиш ёки тарбиялаш билан эмас, балки қизиқарли машғулотлар ўтказиш, фикрлашга ундовчи янги педагогик технологиялардан мунтазам машғулотни олиб боришга ҳаракат қилиш зарур.

Ўқувчиларда бағри кенглик, инсоний туйғуларни шакллантириш ўзини шахс сифатида ҳис қилишга ёрдам беради. Инсондаги мавжуд кучли ва ожиз томонлар ҳақида фикр юритиш, ўзининг ижобий томонларини кўпайтиришга тurtки бўлади. Натижада унинг маънавияти бойиб боради.

Бу борадаги фикримизни “Ойижон” ўйинининг таҳлили мисолида тўлдирамиз.

Доира ҳолатида турган ўқувчиларга ўйин шарти тушунтирилади. Ўйин шарт: болалар ўзларини кўзлари ҳали юмиқ жўжалардек ҳис этиб, кўзларини юмган ҳолатларида (улар турган маълум бир жойда) тўғарак хонасида ҳаракат қилишлари керак. Ўйин бошланишидан олдин эса, тўғарак раҳбари ўқувчилардан бирининг олдига келиб “Сен онасан”, деб тайинлаб кетиши лозим. Демак, ўқувчилар “она” ким эканлигини билмасдан туриб, “она”ни қидиришлари керак. Ҳаракатланиш вақтида қўллари билан пайпаслаб, оналарини қидиришлари лозим. Бунинг учун қўлларини чўзиб, атрофдагиларни ушлаб, онасими-йўқми, излаб топишлари керак. Фақат улар кимнидир ушласалар, қуйидаги саволни берадилар, яъни “ойижон” деб мурожат қилишади. Қидириш мобайнида болалар “она бўлмаган ўқувчининг олдига келиб “ойижон” деб сўрасалар, у ўқувчи “мен ойинг эмасман” деб жавоб бериши лозим. Агар онанинг олдига келиб сўрасалар, у жим туради. Демак, у “она”. Энди ушбу жўжа кўзларини очиб, онасининг олдида қолади. Шундай қилиб, барча тўғарак аъзолари онасининг атрофига йиғилишлари керак.

Ўйин ниҳоясига етгач, муҳокама қилинади. Муҳокама учун қуйидаги саволлар тавсия этилади:

1. Ўқувчилар ушбу ўйинда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
2. Нимадан хурсанд бўлдингиз?
3. Машқ давомида қийналдингизми? Нима учун?
4. Кимнинг хатти-ҳаракати сизни ҳайрон қолдирди?

5. Инсон кўзи юмилган ҳолда ҳаракат қилиши қулай эканми?

6. Эътибор берганмисиз, атрофимизда кўзи доимо ёки қисман юмиқ одамлар борми?

7. Уларнинг ана шундай ҳолатга тушишларининг сабабларини биласизми?

8. Сиз ана шундай ҳолатга тушиб қолмаслигингиз учун нималарга эътибор беришингиз керак деб ўйлайсиз?

Муҳокама вақтида кўзини умуман юммаган ёки қисман юмган, кўзини тезда очиб юборган ўқувчиларга алоҳида саволлар берилиб, уларнинг ички ҳис-туйғулари синалади. Шартни нега бажармаганлиги эмас, балки бажаришга тўсқинлик қилган омиллар ҳақида сўралади.

Улар турли сабабларни кўрсатишлари мумкин, лекин тўғарак раҳбари кўзларини юмишни хоҳламаганликларига сабаб бўлган: ёруғда кўзни юмиб юришга одатланмаганлиги, ўзини ноқулай сезганлиги, кўзини юмса ҳам очилиб кетавергани, бирор нарсага урилиб қолишдан чўчигани ҳақидаги фикрларга олиб келадиган саволлар билан мурожаат қилиши лозим.

“Ойижон” ўйинининг мақсади-ўқувчиларни кўзи очик бўлсаям бу дунёни умуман кўра олмайдиган инсонлар ўрнида ҳис этишни амалда кузатишдан иборат. Мақсад уларнинг нималарни ҳис қилишларини тахминан билишса ҳам, буни ўз “таналарида” синаб кўриш. Бундан ташқари ота-онага, Ватанига, ўстозларига, дўстларига ва тана аъзоларини соғломлигига ҳам фикр юритиш имконини беради. Булар эса, ўз навбатида, тўғарак аъзоларининг маънавиятини шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Инсон, ҳаёти тажрибаси, билими, одоб-ахлоқи маънавиятга асосланган хатти-ҳаракати билан ўзининг руҳий оламини бойитиб боради. Ақлан ва ахлоқан ривожланган сари ўз олдига олижаноб вазифаларни қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилади. Инсоннинг мавжудлиги унинг жисмонан борлиги билан эмас, балки маънавий бой эканлиги билан боғлиқдир.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

Ҳозирги кунда ёшларга билим бериш ва тарбиялашда янги-янги технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, семинарлар, одатда семинар деганда маърузани тушунадилар, аслида эса унинг ўзига хос услублари мавжуд: Янги ишлаб чиқарилган педагог

технологияни оммага эълон қилиш, таништириш, машғулот ўтиш, илмий-амалий анжуман каби усуллари ҳам мавжуд.

Семинарлар инсоннинг фикрини баён этиш, нутқ бойлигини ўстириш, тинглаш, ёзма қайд қилиб бориш маҳоратларини оширишга ёрдам беради. Семинар давомида турли аудиториялар тўғри келади: яъни педагог ходимлари, тўғарак раҳбарлари ва тўғарак аъзолари ва бошқа соҳа вакиллари.

Асосий вазифа шундан иборатки, семинар дастурини тақдим этишда яхши маърузачилар ва тренерларни танлаш зарур. Ўқитишни режалаштиришда қуйидаги саволарни кўндаланг қўйиш лозим: Ким? Нима учун? Нима? Қочан ва қаерда?

Малакали тренерларни қандай танлаш керак?

Ҳамма ҳам тренер бўла олмайди. Бу иш билан шуғулланувчи мутахассис дастур мазмунини яхши англаши, одамлар билан ишлашни севиши, аудитория олдида ўзини қулай ҳис эта олиши керак. Шу билан бирга фасилитация (семинар қатнашчилар вазифани ечишда ёрдам бериш) тамойилларини тушунтириши керак.

Фасилитациянинг асосий тамойилли қатнашчилар олдига қўйилган саволларга жавоб беришда бор тажрибасини ишга солиши, жумладан ўзини ва бошқаларни ўргатиш учун имконият яратиш. Фақат ўзи гапириб семинар иштирокчиларини жалб эта олмайдиган тренерлар ҳеч кимни қониктирмайди. Шу сабабли тренер танлашда уларнинг малакаси, шу соҳадаги тажрибасига эътибор бериш зарур.

Барча тренерлар ўқувининг руҳий ҳолатига асосий эътиборни қаратиб, ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларга аҳамият бермайдилар. Натижада семинар ўйин тарзида бўлиб, ўқув мазмуни акс эттирилмай қолади. Шу сабабли тренер семинар мазмуни тўла тушуниб, ўтказиш тартибини режалаштириб олиши зарур.

Тренерларни тўғарак аъзолари, дастур қатнашувчилари ва сизга ёрдам бериш истагида бўлган ҳамкасабаларингиз орасидан ҳам танлаш мумкин.

Тренернинг фикрлаш доираси кенг, янги ғояларга интиқ, кутилмаган вазиятларга мослаша оладиган бўлиши, дастур мақсадларини яхши билиши, дастур қатнашчилари билан ўзаро мақсадга эришига интилиши жуда муҳим.

Тренерга қўйиладиган талаблар:

- Семинар мазмунини тўлиқ билади;
- Семинар иштирокчиларининг сўзга чиқишлари учун имкон яратиб беради;

- Ташаббускор, фаол;
- Ҳушмуомила;
- Эътиборли;
- Хатолардан тўғри хулоса чиқаради;
- Нотиқлик қобилиятига эга.

Семинар дастурининг ишланмаси: семинар дастурини ишлаб чиқаришда бир қанча омилларни эътиборга олиш зарур. Улардан бири-вақт. Семинар давомида вақтдан унумли фойдаланиш лозим.

Ўқув машғулотларни тайёрлашда қуйидаги саволларга албатта, тўхталиш керак?.

Қачон ўтказилади?

Қаерда ўтказилади?

Ким ўтказади?

Қанча вақт сарифланади?.

Одатда, танишув машғулотига 10 минут вақт ажратилади.

Семинар нималардан ташкил топади? (Тренерларга кўрсатмалар).

1. Ўқувчилар эътиборини жалб қилиш учун мавзунини энг қизиқарли жойидан бошланг: (эътиборни бир нуқтага йиғиш).
2. Ўқувчиларни бир-бири билан таништиринг.
3. Кутилаётган натижаларни тасаввур қилинг ва муҳокама қилинг.
4. Иштирокчилар қизиқишини қондирадиган мавзуларни намойиш қилинг.
5. Ҳар бир машғулотни иштирокчилар билан муҳокама қилинг.
6. Семинарнинг вазифаси натижалари таҳлилининг услубини ўрганинг.
7. Машғулотни яна бир бор ўзингиз тўғарак раҳбарлари даражасида таҳлил қила олинг.
8. Бу машғулотлар талаб даражасида ва тўғарак дастурларига мос келишини муҳокама қилинг.

9. Тўғарак раҳбарларига мўлжалланган семинарларда ўқувчилар билимларини баҳолаш мезонини аниқланг.

10. Иштирокчилар машғулотларни қай тарзда тайёрлаш ва ўтказишларига жиддий эътибор беринг.

11. Қўллаб-қувватлайдиган тизимнинг ресурслари борлигини аниқланг.

12. Дастурни мураккаблаштириб, изчил технологияни қўлланг ва кейинги ўқувни режалаштиринг.

13. Аудиторияда ўтказиладиган машғулотлар режасини тузинг.

14. Қатнашувчилар билан режалаштирган тадбирларингизни қай тартибда ўтказилганлигини муҳокама қилинг.

Семинарда ўйиннинг аҳамияти. Семинарни турли ўйинлар билан олиб бориш айти муддаодир. Масалан интеллектуал ўйинлар фикрлаш қобилияти, ролли ўйинлар ва билимга бўлган қизиқишини ошириб янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўз ўрнингизни эгалланг. Бу ўйинда мунозарали мавзу бўйича баҳс олиб борилади. Мавзу мазмунини ёритишда фойдаланиш мумкин. Муаммо сифатида тўғри жавоблари бўлмаган, иккита ёки ундан ортиқ бир-бирига қарама-қарши бўлган муаммолар номи айтилади.

Бажарилиш тартиби:

1) Хонанинг қарама-қарши томонига “Батамом қўшиламан” ва “Қўшилмайман”, “Батамом қўшилмайман” деб ёзилган плакатлар илинади.

2) Иштирокчилар муҳокама қилинаётган мавзуга доир фикрларига кўра ёзувлардан бирининг ёнига бориб турадилар.

3) Қатнашчиларнинг бир гуруҳини ўз ихтиёри билан танлаб олинг ва улардан фикрларини ҳимоя қилишларини сўранг (у томондан бу томонга ўтиб қолган қатнашчиларни ҳам қамраб олишга ҳаракат қилинг).

4) Сўнгра қатнашчилардан фикрлари ўзгарган-ўзгармаганлигини ва бунинг сабабини сўранг.

Қатнашчиларга қўйиладиган талаблар:

1) Бошқаларнинг сўзини бўлмай ўз навбатингизни кутинг.

2) Бир вақтнинг ўзида фақат бир киши гапириши мумкин.

3) Бир-бирингиз билан тортишманг. Янги ғояларни ўртага ташлаб, бошқаларнинг фикрларини билинг.

4) Бир плакат ёнидан иккинчисига хоҳлаган вақтда ўтиш мумкин. Бунинг сабабини изоҳлаб беринг.

Семинар мазмунига қараб шу соҳа мутахассисларини жалб қилиш асосий бўғин ҳисобланади. Ҳар бир дастур мутахассисларини жалб қилиш режасини тузишни талаб қилади. Тренер машғулотини шундай ташкил этиши керакки, қатнашувчилар меҳмонлар билан эркин мулоқатда бўла олинлар.

ЎҚУВЧИНГИЗ ҚАЙСИ ФАСЛДА ТУҒИЛГАН (пед технология)

Машғулот давомида тўғарак аъзолари билан ўтказиладиган янги педагогик технологиялар ўтказиш давомида тўғарак аъзоларини характерини осонлик билан билиб олиш мумкин. Бунда бизларга тўғарак аъзоларини қайси фаслда туғилганликларини билсак бўлди.

Инсоннинг туғилган куни нафақат унинг характерига, балки ўқишига, қобилияти ва соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатаркан. Шунга кўра болаларнинг ўзлаштириши, қизиқиши, қобилиятлари каби хусусиятлар қайси фаслда туғилганлигига ҳам боғлиқ экан. Тўғарак раҳбарлари ўқувчи-ёшлар билан иш олиб боришда ушбу қарашларни ҳам инобатга олсалар айти муддао бўларди.



Қиш. Аълочилар туғиладиган вақт.

Қишнинг совуқ кунларида туғилганларга ҳаётнинг дастлабки онлари қийин кечади. Чунки улар куёш нурини кам олишади ва тоза ҳавода кўп бўлмайдилар. Оналари ҳам баъзи дармон дорилардан бебаҳра қолишади.

Бироқ қишда туғилган болалар тенгдошларидан кўра яхшироқ ўқишаркан. Улардан кўпроқ шифокорлар, ҳуқуқшунос ва ҳарбийлар етишиб чиқар экан.

Баҳор. Узун бўйлилар ва тортинчоқлар

мавсуми. Ҳаво исиб куёш нурларини соча бошлайди ва табиатда жонланиш пайдо бўлади. Бу инсонларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Баҳорда туғилганлар тенгдошларидан кўра новчароқ бўлишади. Уларнинг табиати оғир тортинчоқ бўлади. Тортинчоқликни енга олганлари эса мансаб борасида яхши натижаларга эришиши мумкин экан.



Кўплаб ижодкор шахслар: олимлар, ёзувчилар, актёрлар, рассомлар баҳорда дунёга келган.



Ёз. Соғлом ва омадли кишилар даври. Бу фаслда иссиқ ҳаво ҳам, дармондорилар ҳам етарли бўлади.

Олимларнинг аниқлашича, ёзда туғилганларнинг аксари омадли бўлар экан. Улар келажакка ишонч билан қаровчи, киришимли, ўзларига юқори баҳо берадиган инсонлардир. Уларга иш, мансаб ва оилавий томондан бахт кулиб боқади. Кўпинча улардан сиёсатчи чиқади.

Куз. Узоқ умр кўрувчилар фасли.

Йилнинг бу фаслида ҳам турли дармондорилар етарли бўлади. Бироқ ёғинли кунларининг яқинлашиши туфайли тушкунлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин. Олимларнинг аниқлашича “Кузлик”лар меҳнаткаш бўлишар экан. Улардан файласуф ҳам, ўқитувчи ҳам, фермер ҳам чиқиши мумкин. Аммо кучли жарроҳ ёки синовчи-ўқувчилар чиқиши даргумон. Улардан тезкорлик бир зумда аниқ қарорга келиш қобилияти етишмайди. Кузда чапайқайлар кўп туғиларкан. Маълумки ундай кишиларда ижодий салоҳият юқори бўлади.



“ЭСТАФЕТАЛИ БЕЛЛАШУВ” ЎЙИНИ

Ўйиннинг қўлланилиши: технология ўқув машғулотларининг барча турларида машғулот охирида, предметнинг бирон-бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўзаро беллашишга мўлжалланган.

Ўйин мақсади: машғулот жараёнида ўқувчиларни аниқ, тезлик билан хатосиз жавоб беришга ва албатта, аниқ ва тўғри қарорга кела олишга ундашдан иборат.

Ўйин учун керак жиҳозлар: Саволлар бланкаси; эстафета таёкчаси (байроқчадан фойдаланиш ҳам мумкин) ўқувчиларни гуруҳларга ажратувчи рақамли қоғоз, қайси гуруҳ ўйинни бошлашини аниқловчи бирон-бир предмет.

Ўйинни ўтказиш қоидаси:

Дастлаб гуруҳ ўқувчилари 2- жамоага бўлинади;

Уларнинг жойлашиши ва ҳаракатланиши қуйидагидек амалга оширилади (1- расм);

Тўғарак аъзолари	
2→	1↑
↑3	←4
6→	5↑
↑7	←8
10→	9↑

Тўғарак аъзолари	
↑1	←2
4→	3↑
↑5	←6
8→	7↑
↑9	←10

1-расм. Гуруҳ аъзоларининг парталарда жойлашиши ва ҳаракатланиш схемаси

Демак, жамоа аъзолари юқоридаги схемада кўрсатилганидек, парталарга жойлашишади.

Қайси гуруҳ биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Ўйин парта охиридан бошланади.

Ўқитувчи ўйинни биринчи бўлиб бошлайдиган жамоа иштирокчисига дастлабки саволни беради. Иштирокчи берилган саволга жавоб берса, қўлидаги эстафета таёқча (байроқча)сини шеригига кўрсатилган (1-расм) схема бўйича узатади.

Агар саволга жавоб қайтара олмаса, қўлидаги эстафета тайёқча (байроқча)си ўзида қолади.

Ўқитувчи кейин рақиб жамоанинг иштирокчисига савол беради. Бу иштирокчи ҳам жавоб берса, қўлидаги эстафета таёқча (байроқча)сини шеригига кўрсатилган схема бўйича узатади, жавоб бера олмаса, қўлидаги эстафета тайёқча (байроқча)си ўзида қолади.

Эстафета тайёқчасини қатнашчилар бир-бирларига навбат билан узатиб боришади.

Эстафета таёқчасини фақат саволга жавоб бергандагина узатишга рухсат берилади.

Шу тарзда савол-жавоб қайсидир гуруҳ қўлидаги эстафета тайёқчасини тўғарак раҳбарига биринчи бўлиб етказиб боришига қадар давом этади.

Эстафета тайёқчасини жамоа аъзолари қонидани бузмасдан, вазифани аниқ ва тезда бажариб, биринчи бўлиб ўқитувчига етказиб, ўша жамоа ғолиб деб топилади.

Жамоа аъзоларининг ўйиндаги, иштирокини ўқитувчи аниқлаб боради ва машғулот сўнггида уларни баҳолайди. Бунда иштирокчининг ўзига берилган ҳар бир саволга биринчи имкониятда жавоб қайтариб, эстафета тайёқчасини шеригига вақтида узатиб бориши ҳисобга олинади.

Ўйиннинг олтин қоидаси: Агар тўғарак аъзолари саволларга жавоб бериш жараёнида бошқа ўқувчилар томонидан айтилган фикрларни такрорлашга йўл қўйсалар, ўйиндан четлатиладилар.

“ЛАНДШАФТ” МАВЗУСИДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Машғулотнинг мақсади: Ландшафт ҳақида тасаввурларни шакллантириш (тоғлар, кўллар, ўрмонлар, чўллар).

Машғулотнинг вазифалари:

- ✓ “Ландшафт”, “манзара” каби тушунчаларни очиб бериш;
- ✓ Олинган маълумот ва билимларга ишлов бериш;
- ✓ Ландшафтни баҳолаш бўйича кўникмалари ва қобилиятларини ривожлантириш;
- ✓ Болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимлари даражасини ошириш.

Давомийлиги: 45 дақиқа

Иштирокчилар сони: 5-15 иштирокчи

Зарур материаллар: БИНГО жадвали (1-Илова), манзара-расмлар (2-Илова), маркерлар, ватман, оддий ҳошиялар.

Машғулот ғояси:

Ландшафт-бу табиат ва шаҳарда ер устининг кўриниши. Ўрмон, тоғ, чўл, хиёбон, кўл, шаҳар, кишлоқ ландшафтлари мавжуд.

Болалар учун дастлабки ҳаракатлар ва вазифалар: Манзара, ландшафтни баҳолаш ҳақида маълумотларни тўплаш.

Изоҳ: тўғарак раҳбари машғулот бошланишидан аввал ўқув майдончасидаги йўлакка турли буюмларни жойлаштиради: соябон, пиёла, китоб, гул, расм ва ҳ.к., ушбу машқ болаларга атрофдаги шароитга эътибор беришни ва атроф-муҳитни синчиклаб кўришни ўргатади.

Машғулот босқичлари

Кириш қисми – 5 дақиқа

Хавфсизлик бўйича кўрсатмалар-2 дақиқа.

“Бинго” танишув машқи-3 дақиқа.

Танишиш учун “Бинго” тетиклаштирувчи ўйинини иштирокчилар бир-бирларининг исмларини олдиндан билганида ва мулоқотда бўлганида қўллаш яхши самара беради.

Тўғарак раҳбари барча иштирокчиларга “Бинго” жадвалини таркатади (1-Илова) ва қуйидаги кўрсатмаларни беради:

✓ Ўйинни ўтказиш учун барча иштирокчилар ўринларидан туриб хоҳлаган иштирокчининг олдига боради ва “Бинго” майдончасидан саволларни бериб, тегишли устунларга ёзадилар;

✓ Исмлар қайтарилмаслиги ва кўпроқ болалар жалб қилиниши керак;

✓ Саволларга биринчи бўлиб жавоб ёзиб тугатган иштирокчи “Бинго” деб, ўйинни тўхтатади.

Изоҳ:

1. Машқлар жўшқин тарзда ўтишини ва ҳар бир иштирокчи кўпроқ болаларни савол-жавоб қилишини кузатиш керак. Ўйин тугаши билан иштирокчиларнинг хоҳишига кўра бир нечта жавобларни ўқиб бериш мумкин.

2. Мазкур машқларни шўх болалар билан бажариш мураккабдир, шунинг учун уларга “Мен ва менинг орзуим” танишувини таклиф қилиш мумкин. Тўғарак раҳбари иштирокчиларга даврага туришларини таклиф қилади. Ҳар бир иштирокчидан ўз исми ва орзусини айтиб бериш таклиф қилинади, Масалан, “Менинг исмим Жаҳонгир, менинг орзуим-доктор бўлиш”, “Менинг исмим Нодира, менинг орзуим-Лондонга бориш”, “Менинг исмим Гулнора, менинг орзуим-денгизни кўриш”, “Менинг исмим Усмон, менинг орзуим-харбий бўлиш” ва ҳ.к.

1. Кириш машқи 1-қисм.

Манзара-рasm – 10 дақиқа

Вазифа: Иштирокчилар иккита гуруҳга бўлинадилар. Уларга баҳолаш учун ландшафт тасвирланган турли расмлар тарқатилади (2-илова). Болаларга расмларни беш балли тизим бўйича баҳолашлари ва расмлар уларга ёққан ёки ёқмаганлиги ҳақида фикрлари билан ўртоқлашишлари кераклиги тушунтирилади.

Изоҳ: Ушбу машқ бир вақтнинг ўзида ҳам кириш ва ҳам ўтиш машқидир.

Машқ хулосаси: Расмларни кўриб чиқиб, манзаралар турли бўлишига гувоҳ бўлдик. Уларнинг айримлари ифлосланган атроф-муҳитни, айримлари эса уйғун атроф-муҳитни тасвирлашини кўрдик.

Манзара-инсон томонидан табиатни бадиий акс эттириш ёки асосий предмети табиат бўлган бирон бир жойнинг кўринишидир.

1. Кириш машқи 2-қисм.

“Ландшафт” ақлий ҳужум – 5 дақиқа.

Тўғарак раҳбари қуйидаги савол билан иштирокчиларга мурожаат қилади: Сизнинг фикрингизча, ландшафт нима?

Тўғарак раҳбари ҳар бир жавобни ёзиб боради. Иштирокчиларнинг тахминий жавоблари: атрофимиздаги барча нарсалар, атроф-муҳит, атрофимизда кўраётган барча нарсалар, уйлар, уфқ, ўсимликлар, девор, дарахтлар ва ҳ.к.

Машқ хулосаси: Ўқитувчи барча жавобларни ўқиб “Ландшафт” сўзига тушунча беради. Ландшафт-бу ер юзининг тузилиши, бирон бир жойнинг умумий кўриниши ва тавсифи. Ўрмон, тоғ, хиёбон, кўл, шаҳар, қишлоқ ландшафтлари мавжуд.

“Ландшафт” сўзи немис тилидан олинган (Land-мамлакат, ер, текислик, жой).

Масалан: деразадан қарасангиз сиз бир манзаранинг гувоҳи бўласиз, бошқа томонга қарасангиз тепалик, текисликлар, дарахтлар ва бошқа табиат объектларини кўришингиз мумкин.

Манзара ва ландшафт ўртасида фарқлар мавжуд. Ландшафт-бу биз кўриб турган жонли табиат, манзара эса-бу расм ёки портрет.

Изоҳ. Агар мураккаблик вужудга келса ва иштирокчилар ўз жавобларини ифода қила олмасалар, ўқитувчи ёрдамчи саволларни бериши мумкин, Масалан, “Сизнингча ландшафт қандай бўлиши керак?”, “Ландшафт нималардан иборат?”.

Асосий қисм-15 дақиқа.

Асосий машқ-15 дақиқа.

“Ландшафтни баҳолаш” амалий машқи

Ушбу машқнинг асосий қисми қуйидаги режа бўйича олиб борилади:

1. Иштирокчилар аввалдан жуфт бўлиб, ўқитувчи ва кузатувчилар билан ўқув майдончасига чиқади.

2. Ўқитувчи машғулот бошланишидан аввал ўқув майдончасидаги йўлакка турли буюмларни жойлаштиради: этик, соябон, пиёла ва ҳ.к., булар болаларнинг атрофдаги шароитга эътибор беришлари ва ташлаб қўйилган кўп буюмларни топишлари учун қилинганлиги сабабли ўқувчилар ушбу буюмларни топадилар.

3. Барча болалар ўқув майдончасига тўплангандан сўнг, ўқитувчи иштирокчилардан майдонча йўлагига қизиқарли бўлган нарсаларга аҳамият берганликлари ҳақида сўрайди ҳамда инсон ўз ўйларига шўнғиб кетган вақтда қизиқарли кашфиётларга етакловчи муҳим нарсаларга аҳамият бермаслигини тушунтиради.

4. Тўғарак раҳбари “ландшафт” сўзининг изоҳини яна бир бор такрорлаб, ҳар бир жуфтга зарур ўқув ресурсларини (маркерлар, баҳолаш варақлари, хошиялар) тарқатиб, вазифани тушунтиради.

5. Юқорида келтирилган мисолдагидек, иштирокчилар давра шаклида турадилар ҳамда хошияларни компаснинг йўналишлари бўйича йўналтирадилар (шимол, жануб, ғарб, шарқ).

6. Кейин болалар ландшафтнинг умумий кўринишининг хомаки расмларини чизадилар.

7. Шундан сўнг улар табиат ресурслари ёрдамида ер ландшафтини ўз қарашлари бўйича яратадилар.

8. Ландшафтни беш баллик тизим бўйича баҳолайдилар.

Изоҳ: агар баҳолаш учун жойни болаларнинг ўзлари танласалар, бу нотўғри бўлади. Тўғри баҳолаш учун иштирокчилар майдонча ўртасига жойлаштирилади ҳамда компас ёрдамида уларни йўналишлар (шимол, жануб, ғарб, шарқ) бўйича қўйиш керак (чизмага қаранг). Шундан сўнг ўқувчилар ландшафтни баҳолашни бошлашлари мумкин.

Ландшафтни баҳолашни ўтказиш босқичлари (тўғарак раҳбарининг тушунтириши):

1. Сизга кўрсатилган жойга (шимол, жануб, ғарб, шарқ) хошияни йўналтиринг, бунинг учун хошияни юзингиздан 10-20 см (узатилган қўлингиз масофада) узоқликда ушлаб туринг.

2. Жадвал ёрдамида хошияда кўриб турган расмни баҳоланг ва баҳолаш варағига белгиланг (бу ҳудуд ландшафтдир).

3. Энди ўқув майдончасидаги тошлар, барглар ва бошқа табиий материаллар ёрдамида ушбу расмни ерда акс эттиришга ҳаракат қилинг.

4. Вазифани бажариш учун сизларга 5 дақиқа вақт берилади, ундан сўнг шу ерда йиғилиб, натижаларни муҳокама қиламиз.

Изоҳ: Ўқитувчи ва кузатувчилар болалар ландшафтни баҳолашда ёрдам берадилар. Болалар ўз хошияларини битта жойдан иккинчисига ўтказмаслигини тўғарак раҳбари кузатиб туриши керак (чунки машғулотнинг маъноси йўқолади): иштирокчилар аввал битта йўналишни, кейин бошқасини баҳолашлари лозим.

Ўқитувчи “Нмага бундай баҳо қўйдингиз?”, “Сиз нимага расмнинг айнан шу қисмини чиздингиз?” деган саволларни беради.

Машқ хулосаси: Ландшафт-бу масофадан кўриниб турган атроф-муҳит. Инсон таъсири билан ландшафт чиройли ва кўримсиз, жозибадор ва ёқимсиз бўлиши мумкин.

Якуний қисм – 20 дақиқа.

Баҳолаш машқи – 10 дақиқа.

Тўғарак аъзоларига қуйидаги савол берилади: “Ландшафтингизда сизга нималар кўпроқ ёқди ва нималар ёқмади?”.

Тўғарак аъзолари ландшафтни баҳолайдилар:

- қай тарзда баҳоладилар;
- қандай ҳолларда улар баҳоларни кўтаришлари мумкин эди.

Шундан сўнг ўқитувчи баҳолаш варағидаги бандларни ўқийди, иштирокчилар эса керакли баҳолаш бандини кўрсатадилар.

Шундай қилиб, ўқитувчининг варағида баҳолар йиғиндиси ҳосил бўлади ва ландшафтнинг ўртача баҳоси аниқланади. Баҳолар эълон қилинганидан сўнг улар ҳозирги вақтда амал қилиниши ва уларни маълум тадбирлар билан яхшилаш ёки пасайтириш инсонга боғлиқ эканлиги айтиб ўтилади.

Изоҳ: мазкур машқдан сўнг болаларга ушбу усул билан уйдаги ёки кўчалар ландшафтни баҳолаш вазифаси берилади.

Уй вазифаси.

“Мен яшайдиган шаҳар” амалий иш – 10 дақиқа.

1. Иштирокчиларга жадвал (3-Илова) ёрдамида ўз уйлари ва кўчалар ландшафтларини баҳолаш ва натижаларни солиштириш вазифаси берилади. Солиштириш вақтида кўчалар ландшафтидаги улар ўзгартиришни хоҳлаган нарсаларни белгилаб ўтишлари керак.

Мақсадлар:

✓ Мустақил ишлаш қобилиятини сингдириш, шаҳар тизимининг (ландшафт хавфи, салбий) ва топофиллик (ландшафт қулайликлари, ижобий) тушунчаларини ўрганиш;

✓ Одамлар саломатлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;

✓ Мантикий фикрлаш, мустақил ишлаш қобилиятларини такомиллаштириш;

✓ Она шаҳарга, ўлкага муҳаббатни, ватанпарварлик ҳиссини, шаҳримиздаги тозалик ва тартиб учун жавобгарликни тарбиялаш.

Иштирокчилар катта бўлмаган гуруҳларга бўлиниб, қуйидаги жадвални тўлдирадилар. Тўлдириш жараёнида турли хусусиятлар бўйича ландшафтлар мисоллари ёзилиши мумкин (Бобур боғичиройли, Катта халқа йўли-шовқинли). Иштирокчилар қуйидаги саволларга ҳам жавоб беришлари керак:

✓ Шаҳарнинг қайси туманлари топофиллар ва қайсилари топофобларга киритилади?

✓ Уларнинг қайси бири шаҳарда кўпроқ учрайди?

Гуруҳларда ишлаш якунлангандан сўнг иштирокчилар ўз ишларини тақдим қилишлари керак.

1-Илова

“БИНГО”

ИСМИНГИЗ: _____

Саёҳатни ёқтирадиган 1 та одам	Ҳазилни ёқтирадиган 1 та одам	Ўсимликларни ёқтирадиган 2 та одам	Рақс тушишни севадиган 1 та одам
Футбол ўйнайдиган 2 та одам	Компьютерни биладиган 1 та одам	Кўп китоб ўқиган 1 та одам	Инглиз тилини яхши биладиган 2 та одам
Сузишни	Чиройли расм	Кўпроқ	Спортга

биладиган 2 та одам	чизадиган 1 та одам	тилларда саломлашишни биладиган 1 та одам	қизиқадиган 1 та одам

2 илова





“Шаҳар ландшафти” жадвалини тўлдириш:

Жой	Ижобий баҳолар	+3	+2	+1	0	-1	-2	-3	Салбий баҳолар
Мустақиллик майдони	Чиройли	+							Хунук
	Ривожланган								Ночор
	Тоза								Ифлос
	Жозибали								Ёқимсиз
	Ифодали								Кўримсиз
	Қизиқарли								Зерикарли
	Тинч								Шовқин
	Ёруғ								Қоронғу
	Парвариш қилинган								Парвариш қилинмаган
	Яшил								Чўлдек қуруқ

3-Илова

Сонли гуруҳ _____

Ўсимликлар	Баҳо	Жами
Ўтлар	0 1 2 3 4 5	
Дарахтлар		
Буталар		
Инсон қўллари билан яратилган объектлар	Баҳо	Жами

Уй		
Девор		
Йўл		
Автомобиль		
Бошқа буюмлар	Баҳо	Жами
Тутун		

Ландшафтнинг умумий баҳоси: _____

“ШАҲРИМИЗНИ ЧИҚИНДИЛАРДАН АСРАШ” МАВЗУСИДАГИ МИНИ ТЕСТ.

Дунёда яшовчи ҳар бир инсон бир ҳафтада ўз танасининг оғирлигига тенг чиқиндиларни чиқариб ташлайди. Чиқиндилар ерга кўмилади, ёқиб юборилади, аҳоли турар жойларидан бошқа жойга олиб бориб ташланади. Дунёда чиқинди ташланадиган жойлар эса бир кун келиб тўлади. Муаммонинг кескинлигини енгиллаштиришнинг битта йўли чиқиндиларнинг катта қисмини қайта ишлашдир. Биз ташлаб юбормоқчи бўлган кўп буюмларни қайтадан ишлатиш мумкин.

Иштирокчилар сони: 10-15 иштирокчи

Давомийлиги – 25 дақиқа

Машғулот ғояси: “Ҳеч нима ҳеч нарсадан пайдо бўлмайди ва ҳеч қаерга йўқолмайди”.

Кичик маъруза – 5 дақиқа.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бир кунда 10000 тонна маиший чиқинди чиқарилади (бир ойда 300000 тонна). Агар чиқинди оғирлигини 3 килограммли ғиштга ўтказилса, 100000000 та ғишт чиқади. Бунда ғишт Тошкент халқа йўлини 6 метрли девор билан айлантириб чиқишга етади.

Агар биз иккиламчи фойдаланиш учун қайта ишлашга буюмларни топширадиган бўлсак, қанча ресурсларни тежаганлигимизни ҳисоблаш мураккаб бўлмайди! Ташлаб юборилган чиқиндиларнинг асосий қисмини қайта ишлаш имкони борлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Баҳолаш машқи – 10 дақиқа

Айрим чиқинди турларининг чириб кетиши қийин бўлишини билишимиз керак. (1-илова). Болалар 2 гуруҳга бўлинадилар, ҳар бир гуруҳга турли-хил саволлар берилади.

Болалар ушбу буюмларнинг ерда чириб кетиш вақтини топишлари керак.

1. Озиқ-овқат чиқиндилари қанча вақтда чириб кетишини топинг?
2. Шиша идиш қанча вақтда чириб кетишини топишга ҳаракат қилинг?
3. Хайвонлар чиқиндилари қанча вақтда чириб кетишини топинг?
4. Эски пойафзал неча йилда чириб кетади?

Муҳокама учун савол – 5 дақиқа.

- Шаҳримизни озода бўлиши учун нималар қилишимиз керак?
- Чиқиндилар миқдорини қандай қилиб камайтириш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Сизнинг ғоянгиз?
- Сизнингча, битта оила бир кунда қанча чиқиндини чиқариб ташлайди?
- Ушбу машғулот сизга нима учун ёқди?

Изоҳ: Тўғарак аъзоларини кейинчалик ҳаёт давомида фойдаланишлари учун (1-илова) жадвалини нусха кўчириб болаларга тарқатинг.

1-Илова.

Чиқинди турлари	Чириш муддати
Хайвонлар чиқиндилари	10 кунгача
Озиқ-овқат чиқиндилари	10 кундан 1 ойгача
Газета қоғози	1 ойдан 1 мавсумгача
Барглар, уруғлар, шоҳлар	1 ойдан 1 мавсумгача
Картон қутилар	1 мавсумгача
Турли хил қоғозлар	2 йил
Катта шоҳлар	10 йилгача
Қурилиш тахталари	10 йилгача
Темир арматура	10 йилгача
Темир идишлар	10 йилгача
Эски пойафзал	10 йилгача
Ғишт, бетон синиқлари	100 йилгача

Автоаккумуляторлар	100 йилгача
Зарқоғоз	100 йилгача
Электр батареякалар	100 йилгача
Резина қопқоқлар	100 йилдан ортиқ
Пластик идишлар	100 йилдан ортиқ
Алюминий идиш	500 йил
Шиша	1000 йилдан ортиқ

ТЕТИКЛАШТИРУВЧИ ЎЙИНЛАР.

“Хазина овчилари”.

“Эҳтимол, ҳар биримиз қачонлардир хазина қидирганмиз. Бу сафар ов давомида биз ичимиздаги нарсаларни қидирамиз. Мақсадимиз-инсонларнинг бир-бирига ва ўзимизга ўхшаш томонларини топиш. Агар иштирокчини танимасангиз, ўзингизни таништиришни унутманг. Тайёرمىсиз?”.

- Сизга ёққан спорт тури уларга ҳам ёқадиган иштирокчини топинг.
- Сизнинг тенгдошингиз бўлган ўқувчини топинг.
- Оёқ ўлчами сизникига тенг иштирокчини топинг.
- Сиз ёқтирган мусиқани хуш кўрадиган иштирокчини топинг.
- Бир кунда ҳеч бўлмаганида бир марта кофе ичадиган инсонни топинг, кофени нима учун ёқтиришингиз ҳақида бир-бирингизга сўзлаб беринг.
- Гуруҳда аввал бирга бўлмаган иштирокчини топинг.

“Қўрқинчли чиройли расм”.

Иштирокчиларга битта қоғоз ва битта қалам берилиб, “чиройли расм” чизиш таклиф қилинади. Кейин расм ўнг томондаги иштирокчига берилади, у 30сония давомида ушбу расмни “қўрқинчли расм” чизади. Шундай тарзда бутун давра айланиб, расм ўз эгасига қайтади, сўнг ушбу расмлар муҳокама қилинади.

Изоҳ: иштирокчилар 10-15 тадан ошмаслиги керак.

“Аждар”

Иштирокчилар кетма-кет тизилиб турадилар. Биринчи иштирокчи – “аждарнинг боши”, охирги иштирокчи – “аждарнинг

думи” бўлади. Бош думни ушлашга. Дум эса бошни ушлашга ҳаракат қилиши керак, аммо “Аждарнинг қорни” бунга йўл қўймаслиги лозим. Ўйиннинг асосий шарти: аждар узилиб кетмаслиги керак.

Изоҳ: Мазкур машқ учун катта хона ёки майдонча керак бўлади.

“РАНГТАСВИР” МАВЗУСИДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Табиат инсон учун илҳом ва гўзалликдир. Қуёш ер юзини ёритар экан, унинг нурлари таъсири остида турли-туман ранглар жилоси ҳосил бўлади. Шундай экан, табиатнинг бу мўъжизакор манзарасидан завқланмай иложимиз йўқ. Табиат гўзалликларини тасвирловчи рассомлар ва ҳунармандлар эса ўз навбатида ранг ва унинг туслари, ўзига хос жиҳатларини мукамал билишлари керак бўлади. Шундай экан бу борада бадий ижодиёт маркази тўғарак аъзоларнинг ҳам билим ва малакалари етарлича ривожланган бўлиши лозим. Улар рангтасвир, қалам тасвир, наққошлик ва амалий безак санъатининг бошқа турлари билан шуғулланиш жараёнида ранг ва унинг туслари, уларни ҳосил бўлиши, номлари ҳамда улардан тўғри фойдалана олишдек вазифаларни ҳал этишлари талаб этилади.

Рангтасвир тўғаракларида ўқувчилар дастурда кўрсатилган ўқув топшириқларни дастлаб қаламда, акварелда, гуашда, темперада ва ниҳоят мойбўёқларда ишлаш каби босқичлар асосида бажарадилар. Бунда ҳар бир бўёкнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда деярли бир хил ўқув топшириқларини улар ёрдамида қайта-қайта бажарадилар. Масалан, гипсдан ясалган геометрик шакллар, турли ниқоблар, натуралар шулар жумласидандир. Бизнинг назаримизда танланган натуралардан “бир хиллик” ўқувчиларда зерикиш ҳиссини пайдо қилиш мумкин. Шунга кўра қўйилмаларнинг композициясини тузишда натураларни ўқувчиларнинг тасвирий қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танлаш ҳамда ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни рангтасвир ишлаш борасидаги назарий тажрибаларини бойитишда музейларга, турли кўргазмаларга, таниқли рассомларнинг устахоналарига, тасвирий санъат асарлари таъмирланадиган устахоналарга сайёҳатлар уюштириш, рассомлар,

таъмирловчи усталар билан жонли суҳбатлар ўтказиш ҳам яхши натижа беради. Бунда ўқувчилар рассомларнинг асар композициясини тузиш, унинг таъсирчанлигини оширишда турли бадий материаллардан фойдаланиш, ёруғ-сояларда акс этган ранг туслари ва уларнинг ёритилганлик даражаларини ифодалай олиш юзасидан маслаҳатларини тинглайдилар.

“Баркамол авлод” марказларида ўқитилаётган машғулотлар ичида “тасвирий санъат” ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бироқ бу машғулотга ўқув ёки методик қўлланмаларнинг танқислиги мазкур машғулотнинг методик таъминотида бир қатор мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда амалиётда синаб кўрилган, назариётчи ва методистлар назаридан ўтказилган 45 минутли машғулот ишланмасини тасвирий санъат тўғарак раҳбарлари эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

МАШҒУЛОТ ТУРИ: НАТУРАДАН РАСМ ИШЛАШ

МАВЗУ: “Қовун ва анор” мавзусида натюрморт ишлаш.

МАШҒУЛОТНИНГ МАҚСАДИ

Таълимий мақсад: Нарсаларни ўзига қараб расм чизиш жараёнида тўғарак аъзоларида рангтасвирда ишлаш қобилиятини ривожлантириш.

Ривожлантирувчи мақсад: Буюмларнинг шакли, ранги, тузилиши ва уларнинг ўлчов нисбатининг ўзаро ҳамоҳанглигини билишга ўргатиш. Соя, яримсоя ва ёруғ жойларни рангда ажрата билиш малакаларини ошириш.

Касбий мақсад: Тўғарак аъзоларининг бадий билим савиясини ошириш.

Машғулот ўтиш усули: Ноанъанавий.

МАШҒУЛОТНИ ЖИҲОЗЛАШ.

Тўғарак раҳбарлари учун: мавзуга оид китоб ва альбомлар, репродукциялар, доска, бўр, тарқатма материаллар (тест, саволлар).

Натура учун: оч рангли мато, қовун, анор, қовун тилиги.

Тўғарак аъзолари учун: расм дафтари, акварел бўёғи, қаламлар, ўчирғич, сув идиш, палитра (оддий оқ қоғоз).

МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ

1. Ташкилий қисм - 2 дақиқа.
2. Кириш қисми - 10 дақиқа.
3. Асосий қисм. Амалий иш - 30 дақиқа.
4. Якунловчи қисм - 3 дақиқа.

ТАШКИЛИЙ ҚИСМ

(машғулотни ташкил этиш юзасидан методик кўрсатмалар)

Машғулот интерфаол усулда олиб борилади, тўғарак аъзоларини гуруҳларга бўлиб оламиз. Гуруҳлардаги тўғарак аъзолари санъат бўйича билим даражаси, амалий машғулотлардаги фаоллиги, ижодкорлик малакаларини намоён эта олиш қобилиятларига қараб “юқори”, “ўрта” ва “қуйи” ўзлаштирувчи гуруҳларга ажратилади.

Тўғарак раҳбари машғулот жараёнида гуруҳлар орасидаги фарқни иложи борица камайтиришга ҳаракат қилиши-пассив, тортинчоқ, машғулотга эътиборсиз ўқувчиларни фаолликка ундаши ва уларни бир гуруҳдан иккинчи-нисбатан яхши ўзлаштирувчи гуруҳга ўтказиш орқали илғор ўзлаштирувчилар сафини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бунда биз таклиф қилаётган “Олтин балиқ” ўйин машғулот маъқул келиши мумкин. Бу машғулотнинг мақсади ва мавзусидан келиб чиқиб татбиқ этилади.

“Олтин балиқ” ўйин фақат тасвирий санъат машғулотига эмас, балки бошқа фанларда ҳам ижобий қўлланилиши мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Машғулот бошланмасдан аввал, юқорида таъкидлаганимиздек, тўғарак аъзолари уч гуруҳга бўлинади.

1. “Анҳор” гуруҳи - қуйи ўзлаштирувчилар.
2. “Дарё” гуруҳи - ўрта ўзлаштирувчилар.
3. “Денгиз” гуруҳи - юқори ўзлаштирувчилар.

Тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари ўртасидаги савол-жавоб билан бошланиб, унинг сценарийси қуйидаги мазмун касб этади.

Тўғарак раҳбари: - Азиз ўқувчилар, “Олтин балиқ” эртагини биласизми?

Тўғарак аъзолари бараварига: - Ҳа, биламиз, устоз!!!

Тўғарак раҳбари: - Ана шу эртақда “олтин балиқ” ушлаб олган балиқчи чол ўзининг кўпгина орзуларига эришади. Биз ҳам сизлар билан бугун “Олтин балиқ” ушлашимиз ва билимлар уммонига етиб

боришимиз керак бўлади. У ерда сизни катта бахт ва омад кутмоқда. Аммо, бу ҳозирча сир бўлиб туради.

Тўғарак аъзолари: - Биз “Олтин балиқ”ни қандай ушлаймиз?

Тўғарак раҳбари: -Яшанг, тўғри савол. Ҳозир тезда бунга жавоб топамиз. Гуруҳларингиз номи бежиз “Анҳор”, “Дарё”, “Денгиз” деб қўйилмаган. Қани, айтинг-чи, бизнинг далаларимизни яшнатувчи, экинларимизга жон берувчи ариқларимиздаги сувлар қаерлардан оқиб келади?

Тўғарак аъзолари: -Тоғлардан жилғалардан булоқлардан.

Тўғарак раҳбари: -Тўғри, жилғалар ҳам тоғлардаги эриётган қорлардан ҳосил бўлади ва ариқлар-анҳорларга, анҳорлар-дарёларга, дарёлар-денгизларга, денгизлар ҳам ўз навбатида, океанларга, яъни уммонларга қуйилади. Океан- уммонлардаги сувлар эса вақти-вақти билан буғланиб, ҳавога кўтарилади ва ёмғир, қор шаклида қайтадан табиатга, ер юзасига қайтади. Халқимиз бежиз “Тома-тома кўл бўлур” дейишмаган. Сизнинг гуруҳларингиз ҳам охири билимлар уммонига етиб бориши керак. Бунинг учун берилган савол, тест ва топшириқларни тўғри ҳамда мукаммал бажаришингиз лозим.

Ҳар бир гуруҳга ёки гуруҳ аъзоларига учтадан билет берилади. Билетларда тўғарак раҳбари томонидан махсус тузилган тест ва саволлар бўлади.

Тўғарак аъзоларининг билет саволларига жавоблари қуйидагича тақдирланади:

Учта билетга тўғри жавоб учун - “Олтин балиқ”.

Иккита билетга тўғри жавоб учун - “Кумуш балиқ”.

Битта билетга тўғри жавоб учун - “Зоғора балиқ”.

(Олтин, кумуш ва зоғора балиқ шакллари олдиндан чизилган, бўялган ва қирқиб тайёрланган бўлади).

Билет саволлари тарқатилаётганда гуруҳ аъзоларининг билим даражаси ҳисобга олиниши шарт. Саволлар оддийдан мураккабга, осондан қийинга принципига асосланиши лозим, токи ҳар бир гуруҳ жавоб бериш жараёнида ўзини эркин ҳис қилсин, қисиниб-қимтиниб ўтирмасин. Қуйи, ўртача ўзлаштирувчи тўғарак аъзоларнинг пассив руҳий психологияси, фаол оптимистик руҳга томон ўзгариб, ўзига ишонч ҳисси пайдо бўлсин. Берилаётган билетлар мазмуни ўқувчиларга маълум бўлмаслиги, сирли бўлиши керакки, улар ўртасида эътирозлар келиб чиқмаслиги учун тўғарак раҳбари яна бир нарсага эътибор бермоғи лозим. “Денгиз” гуруҳига берилаётган билет саволлари янги ўтилиши керак бўлган “Натюрморт” мавзусига боғлиқ бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ГУРУҲЛАР УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР:

“Анхор” гуруҳи	
1-билет	2-билет
Асосий рангни топинг	Ҳосила рангни топинг
А) мошранг Б) қизил С) яшил	А) сариқ Б) қизил С) бинафша
3-билет	4- билет қўшимча савол
Тасвирий санъат жанрини аниқланг	Тасвирий санъат тури ҳақида
А) ҳайкалтарошлик Б) манзара С) кулолчилик	А) рангтасвир нима? Б) графика нима? С) наққошлик нима?
“Дарё” гуруҳи	
5- билет	6-билет
Иссиқ рангларни аниқланг	Наққошликка оид иборани топинг
А) қора, ҳаворанг, яшил Б) оқ, бинафша, кулранг С) зарғалдоқ, сариқ, қизил	А) барелеф, бюст Б) гирих, ислими С) стенд, панно
7- билет	8-билет, қўшимча савол
Самарқанддаги тарихий обидани аниқланг	Тасвирий санъат жанри ҳақида
А) Исмоил Сомоний мақбараси Б) Шоҳи Зинда Мақбараси С) Паҳлавон Маҳмуд мақбараси	А) манзара нима? Б) портрет нима? С) натюрморт нима?
“Денгиз” гуруҳи	
9-билет	10-билет
Манзарачи ўзбек рассомини	Тасвирий санъат жанрини

аниқланг	аниқланг
А) Ч.Аҳмаров Б) А.Абдуллаев С) Ў.Тансиқбоев	А) наққошлик, мисгарлик Б) графика, рангтасвир С) манзара, натюрморт
11- билет	12-билет, қўшимча савол
Тасвирий санъат ибораларини тушунтиринг	Натюрмортчи рассомларни аниқланг
А) соя ва унинг турлари Б) ёруғ ва рефлекс жой С) иссиқ ва совуқ ранглар	А) А.Абдуллаев, Ч.Аҳмадов Б) Ў.Тансиқбоев, И.Левитан С) Р.Аҳмедов, И.Машков

Билетлар тарқатилган гуруҳлар жавоб беришга ўтади. Иложи борида дастлаб “Анҳор” ва “Дарё” гуруҳи аъзоларидан сўнг “Денгиз” гуруҳи аъзоларидан сўралади.

Ҳар 4-билет қўшимча савол бўлиб, ўқувчилар билимини рағбатлантириш учун берилиши мумкин.

Тўғарак аъзолари тарқатма материалларга тайёргарлик кўришаётганда тўғарак раҳбари парталани оралаб, уларнинг уй вазибаларини, яъни “Натюрморт”нинг қаламтасвирини текшириб чиқади, ишланиш даражасига қараб “олтин”, “кумуш”, “зоғора” балиқлар билан тақдирлайди.

Тўғарак раҳбари гуруҳларнинг билетларга берган жавоблари, уй ишлари, қиёсий текшириш натижасига, гуруҳ аъзоларининг фаоллигига одоб ва интизомига маданиятига қараб тўпланган “олтин”, “кумуш” ва “зоғора” балиқларни эълон қилади, ғолиблар аниқланади. “Олтин балиқ” соҳиблари куйи гуруҳдан юқори гуруҳга ўтказилади.

Тўғарак раҳбари: Болалар эсингизда бўлса, машғулоти бошида бир “сир” бор деган эдик. Мана энди ўша сирни очамиз. Билимлар уммонидаги сеҳрли оролда “Нафосат” деб аталмиш мамлакат бор. У ерда истеъдод соҳиблари бўлган рассомлар, наққошлар, ҳайкалтарошлар, меъморлар яшаб, нафис санъат асарларини яратишади. Буни қарангки, бугунги энг кўп “Олтин балиқ” тутишга муяссар бўлган ўқувчимиз _____ -“Нафосат мамлакатининг Қироли” деб тан олинди ва унга “қироллик олтин тожи”ни кийдирамиз

(аввалдан тайёрланиб, беркитилган ҳолда турган тож ғолиб бошига қўндирилади). Келинлар, болалар, дўстимизни “Нафосат”

салтанати билан табриклаймиз. Яшасин, “қирол”! Машғулотда кўтаринки руҳ пайдо бўлади.

Тўғарак раҳбари: Мана, азиз ўқувчилар, сизлар тўплаган балиқлар эвасига анҳорлардан уммонга етиб келдингиз. Бу уммон-Билимлар уммонидир. Сиз “Олтин балиқ” амри билан тасвирий санъат оид кўплаб атамаларни, тасвирий санъат тур ва жанрларини билиб олдингиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Амалий иш

Натюрморт – Французча сўз бўлиб, “жонсиз табиат” деган маънони англатади. Мевалар, гуллар, куш ва ҳайвонлар, сабзавотлар, полиз экинлари, ўқув қуроллари, уй-рўзғор жиҳозлари тасвирланган сурат- “Натюрморт” дейилади. Натюрмортда “жонсиз” нарсалар тасвирланса ҳам, рассом маҳорати туфайли, кишига “жонли”дек туюлади.

Натюрмортлар ишлаш илк бор XVII аср бошларида Голландияда урф бўлди. Голланд рассомлари ўз асарларида оддий жонсиз нарсалардан “Шоҳ” ижод намуналари яратишган. Улар бугунги кунда жаҳоннинг энг йирик музейларида сақланмоқда.

Натюрморт тузишнинг асосий қоидаларига тўлиқ амал қила олиш мутахассис ўқитувчидан ўзига хос ижодий изланишни талаб қилади. Натюрморт композициясининг симметрия, асимметрия, мувозанат, ритм, ҳаракат, иккинчи даражали нарсаларнинг асосий буюмга бўйсунishi, кўриш маркази, композицион марказни бўрттириб кўрсатиш каби қоидалари мавжуд.

Қўйилма (натюрморт постановкаси)даги биринчи планда тўқ рангли анор, ундан очроқ рангдаги қовун тилиги ва орқада, марказроқда тўқ сариқ қовун жойлаштирилган. Бугун биз оч оқиш рангли матони фон учун танладик. Мато нафақат фон учун, балки қўйилмадаги буюмларни майин боғлашга ёрдам беради. Натюрморт ишлаш жараёнида, аввало, ёритилганлик даражасига эътибор қилинади. Соя, ярим соя, тўқ соя ёруғ жой (блик) ва рефлекс ажратиб олинади.

1. *Нарсалар сиртида энг кўп ёруғлик қайтаётган жой – “ёруғ жой” деб аталади.*

2. *Нарсаларнинг соя қисми охиридаги ёруғликнинг синиб қайтиши – “рефлекс” дейилади.*

3. Нарсадаги соянинг бошлангич қисми – **“ярим соя”**, асосий қисми **“тўлиқ соя”** деб аталади.


4. Буюмнинг ўзидаги сояси – **“хусусий соя”**, ундан текисликка тушаётган сояси – **“тушувчи соя”** дейилади.

Амалий машғулотларда “Ранглар камалаги”, “Ахроматик ва хроматик ранглар”, “Натюрморт чизиш босқичлари” каби жадваллардан мавзуга оид рангли репродукциялардан диафильм ва эпидоскоплардан фойдаланилса, машғулот янада самарали ва мазмунли ўтади.

ЯКУНИЙ ҚИСМ.

Нарсаларни ўзига қараб чизиш машғулотлари бевосита табиат билан, борлиқ билан боғлиқ бўлиб, тўғарак аъзоларига рангшуносликка оид бадий билимларни эгаллашда катта ёрдам беради. Тўғарак раҳбари машғулотни якунлар экан, ишланиш жиҳатидан маъқул деб топилган ўқувчилар расми, қолганларга намуна сифатида кўрсатилади ва уйга “Қўл узмасдан расм чизиш” мавзусида расмлар чизиб келиш топширилади.

Масалан,




“ЗИНАМА-ЗИНА” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу машғулот ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўплаган фикрларни умумлаштира олишга ўргатади.

Бу технология ўқувчилар билан бир гуруҳ ичида кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади. Машғулот давомида ўтказилаётган технологиянинг

мақсади ўқувчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, машғулот давомида назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, қолган ўқувчилар фикрини мақуллашга, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришга, эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатади. Машғулотда А-4, А-3 форматли қоғозларда тайёрланган мавзунинг ажратилган кичик мавзучалар ёзилган тарқатма материаллар, рангли маркерлардан фойдаланилади.

Дастлаб ўқувчилар 3 та гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга ўқувчи томонидан ўнг томонига машғулотнинг мавзуси ёзилган форматлар тарқатилади ва жамоа билан биргаликда фикрлашишга вақт белгиланади. Ўқувчилар машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказиш тартиби билан танишади. Ўқитувчи гуруҳ аъзоларига форматда ёзилган турли хил мавзуларни эълон қилиб, ўқувчилардан фақат шу мавзулар асосида фикрлашларини талаб қилади. Бунда ўқувчилар берилган мавзуларга аниқ жавобларни тарқатма материалларга ёзиб чиқишади. Тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир иштирокчи тақдимот қилади. Тақдимот ваҳтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар машғулот доскасига мантиқан зинама-зина шаклида илинади. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.



Машғулотни бундай ташкил этилиши ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни ўзлаштиришга,

уларни ёзма ёки чизма кўринишида баён этишга, фикрларини умумлаштиришга ўргатади.

ҲАР КИМ ҲАР КИМГА ЎРГАТАДИ

“Ҳар ким ҳар кимга ўргатади” – ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳам кўришни имконини берувчи ўқитиш услубидир.

Бу услубнинг мақсади;

Ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумни бериш айти маҳалда ўқувчига ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотишдир.

Чекланган ахборот ҳажмини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борида кўпроқ ўқувчиларга етказиш керак.

Бунда у ўз шеригини топади, унга ўз ахборотини баён этади ва шеригининг ахборотини тинглайди. Шундан сўнг бошқа шерик ахтаради.

Бу услубдан фойдаланиш жараёнида ўқувчи ахборот олиш ва тарқатиш босқичларидан бири сифатида излашнинг муҳим эканлигини англаб этади, ўз фикрини лўнда баён этишни, ахборотни диққат билан эшитиш ва эслаб қолишни ўргатади.

ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Болалар хавфсизлигини таъминлаш-нафақат ота-оналар, балки бутун жамиятнинг муҳим вазифасидир. Болалар хавфсизлигини таъминлаш бу биринчи навбатда, келажагимиз тўғрисида ғамхўрлигимиздир.

Хавфсизлик - бу фавқулотда ҳолат юзага келиш эҳтимолини олдиндан кўра билиш ва унинг олдини олиш учун чоралар кўришга қодирликдир. Хавфли ҳолатни олдиндан кўра билиш ва ундан ҳимояланиш маълум билим ва кўникмаларни талаб қилади. Болалар хавфсизлигини таъминлаш биз, катталарга боғлиқ. Айнан биз болаларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш имконини берувчи қоидаларга риоя қилишни ўргатишимиз керак.

Болалар жиддий оқибатларни ўйламаган ҳолда хавфли ҳаракатлар қилишлари мумкин, аммо бунини таъқиқлаш ҳар доим ҳам тўғри эмас. Экстремал ҳаракатлар орқали болалар ўз кучлари ва имкониятларини синайдилар ва тажриба орттирадилар, бу

таълимнинг табиатан мавжуд шакли. Хавфли тажрибалар аянчли якун топмаслиги учун болалар ўз дунёқараши доирасида хавфсизлик қоидалари бўйича таълим олишлари зарур. Хавфсизлик бўйича мазкур кўрсатмалар болаларга хавфсизлик кўникмаларини ўзлаштириш имкониятини беради. Уларга асосланган ҳолда педагоглар ўсиб келаётган авлоднинг хавфсизлигини оширишга йўналтирилган ўқув тадбирларини ўйин шаклида ўтказишлари мумкин.

Хавфни аниқлаш ва уни бартараф этиш болаларнинг ўқув хонаси ёки ўқув майдончасида бўлган даврда хавфсизликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ушбу ҳолат “хавфни бартараф қилиш” – нохуш ҳодиса юзага келиши эҳтимолларини камайтириш ва хавфни минималлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш ва бажариш жараёни –деб номланади.

Хавфни бартараф қилишда бир неча асосий босқичлар мавжуд:

1. Хавфни аниқлаш ва унинг оқибатлари кўламини баҳолаш. Масалан, қишда иситгичлар жуда иссиқ бўлиб, болаларни енгил куйдириши мумкин; пол сирғанчиқ бўлиб, ўрта ва оғир даражадаги жароҳатларга олиб келиши мумкин.

2. Хавфни бартараф қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш. Хавфни бартараф этиш учун нима қилиш кераклигини аниқлаш.

3. Аниқланган хавфни бартараф қилиш усуллари ва воситаларини танлаш. Масалан, иситгичларни болаларни қўли етмайдиган жойга қўйиш; силлиқ полда жароҳатлар олдини олиш учун гилам солиш, музлаб қолган жойларга қум сепиш керак.

4. Эришилган натижаларни баҳолаш ва хавфни бартараф қилиш усуллари янада такомиллаштириш.

Хавфнинг олдини олишда воситаларни тўғри танлаш босқичи хавфни бартараф қилишдаги асосий босқичдир.

Болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир тўғарак раҳбарининг муҳим вазифасидир. Агар болалар хавфсизлик техникаси билан танишган бўлсалар, кутилмаган ҳолатлар ва шикастланиш пайдо бўлиш хавфи кескин камаяди.

Хавфсизлик техникасининг мақсадлари.

1. Хавфсизликни таъминлаш;
2. Болаларнинг шикастланишини камайтириш;
3. Болалар соғлиғини сақлаш;

4. Меҳнат фаолияти вақтида инсонга хавфли ва зарарли омиллар таъсирини камайтириш ва бартараф қилишга қаратилган ташкилий ва техник тадбирлар ўтказиш;

Йўриқнома мақсади болаларни хавфсизлик техникаси, меҳнат гигиенаси қоидалари, хавфли ҳолатлар ва хавфсизликнинг тегишли чоралари билан таништиришдир. Тўғарак раҳбари бундай йўриқномаларни маъруза ёки суҳбат тарзида ўтказди.

Хавфсизлик бўйича йўриқномалар ўқувчилар билимларини текшириш, оғзаки сўров ёки ўқитишнинг техник воситалари ёрдамида сўров ҳамда хавфсиз ишлаш учун орттирилган кўникмаларини текшириш билан тугатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.-Т.: Маънавият, 2008 йил.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар.-Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
3. Халқ таълими. Тошкент-2005 йил.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент-2000 йил.
5. Табиат қўйнида инклюзив машғулотларни ўтказиш бўйича амалий қўлланма.- Тошкент-2010 йил.
6. “Ихтиролар саргузашти ёки яратилгунга қадар” Х.Дўстмухамедов, 1998 йил.
7. “Зеҳнингни синаб кўр” М.Мардиева, 2001 йил.
8. Мактабдан ташқари муассасалар учун дастурлар тўплами, 2007 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилувчи таълимнинг дидактик имкониятлари.....	4
“Баркамол авлод” болалар марказларидаги тўғарак раҳбарининг профессиограммаси.....	7
Тўғарак раҳбари қандай кўринишга эга бўлиши ва ўзини қандай тутиши керак?.....	8
Услубий назорат.....	10
Интерфаол методларда маънавият тарбияси.....	12
Семинар-тренинглار ўтказиш юзасидан тавсиялар.....	15
Ўқувчингиз қайси фаслда туғилган.....	19
“Эстафетали беллашув” ўйини.....	20
“Ландшафт” мавзусидаги ўқув машғулоти.....	21
“Шаҳримизни чиқиндилардан асраш” мавзусидаги мини тест.....	30
Тетиклаштирувчи ўйинлар.....	32
“Рангтасвир” мавзусидаги ўқув машғулоти.....	33
“Зинама-зина” технологияси.....	40
Ҳар ким ҳар кимга ўргатади.....	42
Тўғарак машғулотларида хавфсизлик бўйича йўриқнома.....	42
Фойдаланилган адабиётлар.....	45

